O'ZBEKISTON MILLIY KUTUBXONASI INV.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 8-MAY ■ PAYSHANBA ■ 59 (27.079) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Янги завод иш бошлади

НАВОИЙ. Конимех туманида «Конимехобод» масъулияти чекланган жамиятга қарашли полипропилен қоп ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Хитой билан ҳамкорликда бунёд этилган корхонада йилига 12 миллион донагача қоп тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳозир бу ерда юз нафарга яқин ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланди. Хитойлик ҳамкорлар уларга сўнгги бир ой давомида ишлаб чиқариш технологияси ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш сир-асрорларини ҳам ўргатишди.

Абдумутал НОРБОЕВ

ЕТТБ Тошкент анжумани немис матбуоти нигоҳида

Тошкентда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси ўз ишини якунлади. Минтақа турмуш тарзи ҳамда мамлакатимизнинг ЕТТБ билан стратегик алоқалари тараққиёти истиқболларини белгилаб берувчи ушбу анжуман ва унинг натижалари Германиянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Германия матбуоти Ўзбекистон нафақат дунёнинг энг нуфузли молия институтларидан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш, балки ушбу обрўли ташкилот талабларига тўла жавоб бериш истагини ҳам намоён этганини алоҳида таъкидламоқда.

«Зюдойче цайтунг» газетаси ўзининг Тошкент анжуманига бағишланган мақоласида, жумладан, шундай деб ёзади: «Бугун Ўзбекистон пойтахти мамлакатнинг тараққиёт йўлидан боришини белгилаб берувчи муҳим икки кунни бошидан кечирмоқда.

Албатта, Ўзбекистон бошқа мамлакатлар сингари бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечирмаган, молия ва ижтимоий ислоҳотлар соҳасида ҳам бой тажрибага эга эмас. Лекин мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти доирасида тенг ҳуқуқли шерик бўлиш учун барча имкониятларини ишга солаётгани ҳақиқий тараққиёт ва аниқ мақсадлар сари йўналтирилган рағбатнинг мавжудлиги белгисидир. ЕТТБ йиллик йиғилишининг айнан Тошкентда ўтказилиши фикримизнинг исботидир».

Ушбу анжуман республика олдида янгидан-янги истиқболларни очиши ҳақидаги фикрга қўшимча равишда газетада шундай дейилади: «Европа Тараққиёт ва Тикланиш Банки сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига 750 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритгани ва бошқа ташкилотлар томонидан 1,5 млрд. доллар миқдорида сармоялар жалб этилишига кўмаклашгани сермаҳсул ҳамкорликнинг ҳақиқий ва энг асосий далилидир. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида дуч келаётган баъзи муаммолар эса республикада мавжуд ижобий силжиш ва ўзгаришларга соя ташлай олмайди».

Ушбу фикрни мамлакатда чоп этиладиган «Нойе Цюрхер цайтунг» газетаси ҳам қуйидагича таъкидлайди:

«Тошкентда ЕТТБнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилишига қарши бўлганларни ҳам тушуниш мумкин. Уларнинг аксарияти учун бу ғайриоддий ва айни бир пайтда ёқимсиз ҳол бўлди. Аммо ҳаётда барча нарса воқелик ила ўз тасдиғини топади. Воқелик эса Ўзбекистон ўзининг бетиним меҳнати, матонати, ўзгариш ва янгиланиш сари интилиши орқали катта муваффақиятларга эришганини кўрсатмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ғарчи дарҳол ўз мевасини бермаса-да, пировардида натижага эришади. Натижа эса фақат сифатли бўлади».

«Хандельсблат» интернет газетаси эса Тошкент анжумани тўғрисида қуйидагича ёзади:

«Ўзбекистоннинг мусибатли тоталитар ўтмиши ва жаҳон бозорларига чиқиш йўлларининг берклиги, унинг халқаро ҳамжамиятга дадил кириб боришига тўсқинлик қила олмади. Дунёда бой, фаровон мамлакатлар кўп, лекин айнан Ўзбекистоннинг мана шундай нуфузли анжуманга мезбонлик қилаётгани республиканинг ишончли ҳамкорга айланганидан далолат бермасмикан?».

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, қурилишда нарх белгилаш механизмини такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самарадорлиги учун инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

2003-2004 йилларда лойиҳа ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини тўлиқ тугаллаш, уларнинг негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорида рақобат муҳитини яратиш;

капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш даражасини ошириш;

қурилишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида иншоотларни тўлиқ қуриб битказишга ўтиш, ишларни юқори сифатли бажариш ҳамда иншоотларнинг тўлиқ қуриб битказилиб топширилишини таъминлайдиган инжиниринг компаниялари ва лойиҳа-қурилиш ташкилотларини тузиш;

қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни татбиқ этиш.

2. Белгилансинки, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан, шунингдек Ҳукумат кафолати билан жалб этиладиган инвестициялар ҳисобидан янги корхоналар қуриш, уларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш фақат танлов (тендер) савдолари асосида контракт тузган ҳолда ишларни тўлиқ бажариш шарти билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда иншоотларни тўлиқ қуриб битказишни ташкил этиш тўғрисидаги янги Низомни ва Иншоотларни тўлиқ қуриб битказишнинг намунавий пудрат шартномасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

Мазкур ҳужжатларда қуйидагилар аниқ белгилаб қўйилсин:

буюртмачи ишлар (хизматлар) бажарилишини лойиҳа қийматининг 30 фоизига қадар миқдорда аванс билан таъминлаши, келишилган жадвал бўйича аванси ҳисобга олган ҳолда 50 фоизга қадар миқдорда жорий молиялашни амалга ошириши ҳамда иншоот қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилгандан кейин узил-кесил ҳисоб-китоб қилиши шарт;

пудратчи иншоотнинг буюртмачига тасдиқланган лойиҳа ва контрактда шарт қилиб қўйилган талабларга мувофиқ топширилишини таъминлайди ҳамда инвестиция жараёнининг барча босқичларида жами ишларни амалга ошириш бўйича контрактнинг бажарилиши учун, қурилиш сифати ва иншоотнинг ўз вақтида топширилиши учун буюртмачи олдида иқтисодий жиҳатдан жавобгар бўлади;

пудратчи иншоотни тўлиқ қуриб битказиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш учун тижорат банкларининг кредитларини жалб этиши мумкин;

қурилишнинг пировард молиявий натижалари ва контрактда белгиланган шартномавий нархга риоя этилиши учун масъулият пудратчи зиммасига юкланади, унинг амалий қийматини пасайтириш натижасида тежаб қолинган маблағ эса унинг ихтиёрида қолади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, тижорат банклари билан бирга бир ой муддатда пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифларни ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда қурилишни бошқариш тизимидаги бўғинларни қисқартиришни кўзда тутсин ва ундан бўшайдиган активлар пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

пудрат ишларига буюртмаларни жойлаштириш фақат танлов савдоларини ўтказиш шартлари асосида амалга оширилади;

танлов савдолари (тендерлар)да иштирок этишга фақат ишлар (хизматлар) қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағларига ёки мазкур маблағларни бериш учун банк кафиллигига эга бўлган пудрат ташкилотларигина қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишдаги танлов савдолари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар ва бунда танлов савдолари (тендерлар) ўтказиш борасида белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш чораларини кўзда тутсинлар.

(Давоми 2-бетда.)






Куч — билим ва маърифатда

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 январдаги қарорига биноан мамлакатимиз Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Вестминстер университети (Буюк Британия) ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этилган эди.

6 май куни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мазкур университетга ташриф буюриб, унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.



Янги олий ўқув юртининг рамзий тасмаси Президент Ислом Каримов ва Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд иштирокида қирқилди.

Шундан сўнг университетнинг конференциялар залида бўлиб ўтган тантанали йиғилишни Халқаро Вестминстер университети ректори Абдужаббор Абдувоҳидов очди.

Президент Ислом Каримов сўзга чиқиб шундай деди:

— Аввало, барчангизни мамлакатимиз ҳаётидаги бугунги унутилмас ва ҳаяжонли воқеа — гўзал пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугун биз юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этмоқдамиз. Ривожланган эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қиладиган, одамлар ҳаётини юксак даражага кўтариш имконини берадиган демократик тизимнинг умумэътироф этилган халқаро мезонларига эришиш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Шу ўринда мен жаҳон тажрибасида ўз тасдиғини топган бир ҳақиқатни айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Ҳаммамизга маълумки, илгари бирон-бир мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудратини ифодалаш ва баҳолаш учун унинг мавжуд бўлган табиий бойликлари ва иқтисодий салоҳияти ҳақида сўз юритар эдик. Бугунги кунда дунё ривожланишнинг шундай босқичига қадам қўйдики, энди ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси — бу билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу маънода, Ислом Каримов, 1997 йили мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури замирида ҳам таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро талаб ва андозаларга мослаштириш, ёш авлодни чуқур билимли, фикр доираси кенг, профессионал кўникмаларга эга бўлган инсонлар этиб тарбиялаш мақсади мужассам эканини эслатиб ўтди.

Ёшларимизнинг инглиз тилида таҳсил олиши орқали шу тилда сўзлашувчи мамлакатларда, авваламбор, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида таълим соҳасида эришилган юксак инсонларга, энг аввало Британия Кенгаши директори жаноб Девин Грингга, Вестминстер университети ректори доктор Жеффри Копланд жанобларига, университет Бошқарувчилари кенгаши аъзоларига ўзининг ҳурмат-эҳтироми ва ташаккурини изҳор этди. Ўз ҳаётини ёшларга замонавий таълим ва тарбия беришдек олижаноб мақсадга бағишлаган, Вестминстер университети ҳақли равишда фахрланса арзийдиган барча профессор ва ўқитувчиларга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ишончим комилки, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг очилиши билан Ватанимиз тарихида янги бир саҳифа очилади ва бу қадимий, айни пайтда навқирон университетнинг истиқболи албатта ёруғ бўлади, — деди Президент.

Ислом Каримов келгусида Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг салоҳияти янада мустаҳкамланиб, имкониятлари кенгайишига, унинг номи Ўзбекистон чегарасидан ошиб, катта шуҳрат ва эътибор қозонишига қатъий ишонч билдирди.

Ж.Копланд ўз сўзида Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари ва ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг самараси бўлмиш мазкур университет очилишини янги, жасоратли ташаббус, деб атади.

Буюк Британияда Қиролича Елизавета Иккинчи Вестминстер университетининг олий раҳбари ҳисобланади. Ж.Копланд Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг олий раҳбари бўлгани мазкур ўқув даргоҳи ўқитувчи ва талабалари учун катта шараф эканлигини таъкидлади ва мамлакатимиз раҳбарига ушбу илм масканининг рамзи бўлмиш махсус асони тақдим этди.

Мазкур университетда бизнес, иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ бўйича таълим берилади. Дастлабки кириш имтиҳонларида 817 йигит-қиз қатнашиб, уларнинг 212 нафари талаба бўлди.

Тантанали тадбир якунида Ислом Каримов университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Университетнинг очилиш маросимида қатор Европа давлатлари элчихоналари, БМТ, ЕТТБ, Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА)

«Нефть ва газ — 2003» (OGU-2003)



«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон нефть ва гази — 2003» (OGU-2003) халқаро кўргазмаси очилди. Ўтган йилнинг 1 мартида ташкил этилган ушбу тадбир пойтахтимизда ўз ишини якунлаган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси ва Бизнес форуми доирасида ўтказилган «Ўзбекистоннинг сармоявий ва экспорт салоҳияти» кўргазмасининг узвий давомидир.


Кўргазма Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Itesa-Osiyo компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда юртимиз нефть ва газ саноати корхоналари билан бирга АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Польша, Россия, Украина, Хитой, Саудия Арабистони, Қозоғистон каби мамлакатлардан етмишдан ортиқ фирма ва компания иштирок этмоқда. Улар орасида Shell, ENIspa, Lukoil Overseas, Dressta, Dresser-Rand, UralAz каби машҳур корхоналар бор.

«OGU-2003» кўргазмасининг геофизика, сейсмик тадқиқотлар ва ускуналар, бурғулаш жиҳозлари, қидириш ва қазиб олиш, газ анализаторлари, нефть ва газни қайта ишлаш, механизациялашган асбоблар, ҳаво ва газ компрессорлари, генераторлар, кабеллар, таъмирлаш ускуналари бўлимларида фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари намойиш қилинаётир.

(Ўз мухбиримиз)



АҚШда ўзбек гиламлари кўргазмаси



АҚШ пойтахтида Шарқ гиламларига бағишланган X халқаро коференция бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Канада, Россия, Япония, Хитой, Монголия, Ғарбий Европа, Марказий Осиё мамлакатлари санъатшунослари иштирок этдилар. Мазкур анжуман доирасида илмий сессиялар ўтказилди. Унинг иштирокчилари эътиборига мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси биносида «Ўзбекистон музейларидаги қимматбаҳо буюмлар» деб номланган қадимги ноёб гиламлар, бадиий кашталар ва кийим-кечаклар мажмуалари намойиш этилди. Ушбу 67та нодир экспонатни Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи, Самарқанд Давлат маданият ва санъат тарихи музейи ва республика Фанлар академиясининг тарих музейи тақдим этди.

Ўзбекистондан келтирилган мажмуа нафақат ўзининг ташқи гўзаллиги, балки қадимги ишлаб чиқариш техникаси билан ҳам халқаро конференция иштирокчилари эътиборини қозонди. Гилам, сўзана ва бошқа кашталарнинг юқори бадиий савияси уларнинг Мовароуннаҳр минтақасидаги кўп асрлик анъаналарга эга эканидан далолат беради.

Шарқ гиламларига бағишланган X халқаро конференция раиси Вендел Сван «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган мулоқотда қадимги усталар ишини юқори баҳолаб, намойиш этилган барча экспонатларни жаҳон декоратив-бадиий санъат туҳфалари қаторига қўшиш мумкинлигини таъкидлади.

Б. МАМАЖОНОВ

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

5. Белгилаб қўйилсинки, буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги, бош пудратчи, субпудратчи, лойиҳа ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари етказиб берувчилар ўртасидаги барча муносабатлар оралиқ бўғинларининг иштирокисиз фақат шартнома муносабатлари асосида контракт тузган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга бир ой муддатда қурилишни контракт асосида ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тубдан қайта ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар. Бунда буюртмачи ва пудратчининг жавобгарлик чоралари аниқ белгиланиб, қуйидагилар кўзда тутилсин:

буюртмачи ерларнинг ўз вақтида ажратилиши, буюртмачининг формати берилиши, тендер ҳужжатлари тайёрланиши, пудрат ишларига танлов савдоси (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш, тузилган контракт (шартнома)га мувофиқ келишилган график бўйича ўз вақтида молиялаш учун жавобгар бўлади;

пудратчи лойиҳанинг иш ҳужжатлари тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилиши, ишларнинг контрактда келишиб олинган графикка қатъий мувофиқ равишда бажарилиши ва иншоотнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши учун, белгиланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя этилиши учун жавобгар бўлади;

иншоотни фойдаланишга қабул қилиб олиш буюртмачи томонидан Даварҳкурилишназорат иштирокида белгиланган сифат стандартларини ҳисобга олган ҳолда таъминланади, нуқсонлар мавжуд бўлган тақдирда эса архитектура-қурилиш назоратини амалга оширишга вакил қилинган органларнинг хулосаси бўйича сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати миқдоридаги ишларнинг ҳажми чиқариб ташланади ёки нуқсонлар айбдор томоннинг маблағлари ҳисобидан бартараф этилади;

контракт шартларини бузиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ва кўрилган зарарлар айбдор томон — буюртмачи ёки пудратчи маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бош пудратчилар ва субпудратчилар, пудрат ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ягона намунавий тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар. Бунда қурилиш материаллари ва ишларнинг қиймати сунъий равишда қимматлашувини бартараф этиш мақсадида муносабатлар тизимидаги оралиқ бўғинлари ҳамда воситачи ташкилотлар тугатилиши кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан бирга икки ой муддатда давлат маблағлари ҳисобидан қурилиш ишларини амалга оширувчи буюртмачиларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан иншоотлар қурилишининг бориши устидан техник назоратни кучайтириш, уларнинг таъминот, савдо-воситачи ташкилотларини ҳамда буюртмачи номидан иш кўрувчи оралиқ тузилмаларини тугатиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. 2004 йилдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, бунда:

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури ҳар йили лойиҳа қидирув ишларидан бошлаб иншоотни фойдаланишга топширгунга қадар циклни ҳисобга олиб, иншоотни молиялаш манбалари билан боғлаган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади;

Инвестиция дастурига, қоида тариқасида, марказлаштирилган манбалар ва Ҳукумат кафолати бўйича хорижий кредитлар ҳисобидан, шунингдек тўғридан-тўғри жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобидан тўлиқ қуриб битказиладиган иншоотлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришнинг янги Тартибини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қурилишни молиялаш ва кредитлаш Тартибини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

9. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чоғида капитал қурилишда жорий шартномавий нархларга ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Белгилансинки:

танлов савдолари (тендерлар) натижаларига кўра янги қуриладиган иншоотларга доир тузиладиган шартномалар (контрактлар) бўйича жорий нархларга ўтиш шартнома (контракт) тузилган пайтдан бошлаб, ўтувчи иншоотлар бўйича эса — 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади;

давлат капитал қўйилмалари ҳисобига молиялаштириладиган қурилиш иншоотлари бўйича танлов савдоси (тендер) ғолиблари билан қурилишнинг биринчи йилида ўзгартирилмайдиган ва кейинги йилларда моддий-техника ҳамда бошқа ресурсларга нархлар даражаси ҳисобга олинган ҳолда аниқлаштириладиган шартномавий нарх бўйича тегишли контрактлар (пудрат шартномалари) тузилади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жорий нархларга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг вазифалари ҳамда функцияларини қайта кўриб чиқишга доир таклифлар киритсинлар.

Таклифларни тайёрлашда:

бажарилган лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифати, меъморий безаш, қурилиш меъёрлари, қоида ва стандартларига риоя этилиши учун Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг жавобгарлигини ошириш ҳамда мазкур қўмитанинг пудрат ташкилотлари белгиланган қурилиш муддатларига риоя этишлари устидан назоратини кучайтириш кўзда тутилсин;

қурилиш қийматини пасайтириш мақсадида лойиҳа ташкилотларини рағбатлантириш тартиб ва шакллари ишлаб чиқилсин;

лойиҳалаш бўйича сифат ҳамда белгиланган талабларни бузганлик учун лойиҳа ташкилотларига жарима солиш ва бошқа жазо чоралари кўриш, ҳатто лойиҳа фаолиятини амалга ошириш лицензияларининг амал қилишини тўхтатишгача бўлган чораларни кўриш бўйича Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилсин;

лойиҳа ишлари ва қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жазо чоралари кўриш тартиби тўғрисида янги Низом ишлаб чиқилсин.

11. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 январига қадар уларни ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар ва уларнинг бутловчи буюмларини олиб келиш чоғида божхона тўловларини тўлашдан озод қилинсинлар (божхона расмийлаштириши учун йиғимлар бундан мустасно).

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсинлар. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

лизинг шартлари асосида фойдаланиладиган янги юқори унумли қурилиш машиналари, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари сотиб олишни молиялаш манбалари тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

тугатилаётган иқтисодий ночор корхоналарнинг қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситаларини уларнинг бюджет олдидаги қарзларини қоплаш ҳисобига лизинг компанияларининг устав сармоясига ўтказиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммаларига юклатилсин.


Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 май

Икки юз нафардан зиёд самарқандлик қария — уруш ва меҳнат фахрийси пойтахт зиёратига келди. Обод маҳалла йили ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган сафарни «Маҳалла» ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари ташкил этди.

Самарқандлик отахонлар саёҳати «Хотира майдони»даги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишдан бошланди. Улар Ўзбекистон тарихи давлат музейини томоша қилгач, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуини бориб кўрдилар.

Пойтахтимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари ва буюк ўзгаришлар қарияларда катта тассурот қолдирди.





Шавкат АКРАМОВ ва Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

МУНОСАБАТ

Дабдабали тўй ташвишлари

ёки «қизлар базми», «келин кўрди», «бешик тўй» каби тадбирларга қанча харажат кетади? Бундан кимга фойда, кимга зарар?..

Кейинги пайтда телевидениеда, матбуотда тўйлар ҳақида кўрсатувлар, мақолалар, суҳбатларга кенг ўрин ажратилмоқда. Мамлакатимиз пойтахти ва вилоятларида ўтказилаётган тўйларнинг бугунги аҳволи билан юзма-юз келиш мақсадида газетамиз саҳифаларида «Хоразмча тўй — кимга томоша, кимга... ўй» (2003 йил, 27 март), «Топганингиз тўйга буюрсин» (2003 йил, 5 апрель) номли мақолалар чоп этилди. Муаллифлар томонидан тўйлардаги дабдабабозлик, исрофгарчиликлар ҳамон давом этаётганлиги, атрофдагиларнинг бунга бефарқлиги кескин танқид остига олинади.

Шу мақолалар юзасидан таҳририятга кўплаб хатлар келди. Телефон қўнғироқлари бўлди. Газетхонларимиз бугунги тўйлардаги баъзи бир машмашаларнинг салбий оқибатлари ҳақида куюниб ёзадилар. Биринчи мақола юзасидан хоразмлик бир гуруҳ газетхонларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Бахтиёр ШЕРМАТОВ, маҳалла оқсоқоли, Ҳазорасп тумани:

— Вилоятни, туманни мамлакатга, дунёга дабдабали тўйлар танитмайди. Балки оқил, билимли фарзандлар, спорт юлдузлари, намунали, иноқ ва тотув маҳаллалар танитади. Номимизга ҳурмат ва эъзоз олиб келади. Бугун тўй муаммолари ҳақида барчамиз бонг уришимиз керак.

Сўнгги икки-уч йилда бизда «Қизлар базми» деган ортиқча тадбир русум бўлди. Никоҳ тўйидан бир кун олдин келиннинг уйида катта тўй давраси тузилади. Унинг никоҳ тўйидан фарқи йўқдек. Пул қистиришлар эса авжида.

«Қизлар базми» камида иккиуч соат давом этадиган тадбир бўлиб, сарф-харажатнинг бир қисми, албатта қуда томонга тушарди.

Туманимизда айрим бойваччалар ўз бойликларини кўз-кўз қилиш мақсадида унга янгиданянги «тўн кийгизишди». Энг таниқли хонандаларни таклиф қилиш, дабдабали тўкин дастурхонни ёзиш одат тусига кириб қолди. Бу оддий, ўртаҳол оилаларни қийин аҳволга солиб қўйиши билан бирга, тўй эгаларида турли хил қийинчиликлар туғдиради.

Ана шуларни ҳисобга олиб, туман ҳокимлиги тўйларни тартибга солиш учун маҳаллалар етакчилари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Эндиликда дабдабали «Қизлар базми»ни алоҳида ўтказмасдан, балки тўй куни ёшларнинг кичик бир давраси кўринишида ортиқча чиқимсиз ўтказиш тавсия қилинди. Бу кўрсатмалар жойларда аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Илмира ОЛЛОБЕРГАНОВА, Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий маҳалласи котибаси:

— Тўйларни тартибга солиш, улардаги ортиқча сарф-харажатларни камайтириш кўпчиликнинг истаги.

Шаҳарда одатда «Келин кўрди» тадбири тўйдан бир кун кейин бўлади. Унга келин томон бир машина бўлиб келади. Бу ёқда тўй эгасининг яқинлари, қариндош-уруғи, маҳалласи... жамулжам. Уни бемалол тўй ортидаги тўй деб аташ мумкин.

Эндиликда маҳалламизда ана шу тадбир никоҳ тўйи билан уйғунлашиб кетди. Ортиқча сарф-харажатга ўрин қолмайдиган бўлди.



Тўғри, бу тартибни хоҳламайдиган, унга риоя қилмайдиган оилалар ҳам топилмоқда, биз эса тушинтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирмоқдамиз.

Рўзигул ШОМУРОДОВА, ишчи, Янгиариқ тумани:

— Ҳозир бизда ўғил уйлантириш кўп чиқим талаб қилаётганлиги ҳақида гапиришмоқда. Қиз чиқарган томонга ҳам осон тутманг.

Олтита қиз узатдим. Бир қизини узатган дугоналарим «Сенга тўзим берсин!» дейишади. Нега? Тўғри, тўйнинг бир қур харажатлари куёв томондан келтирилади. Аммо қиз чиқараётган хонадон бу билан бойиб қолмайди. Аксинча топган-тутганини қизининг тўйига сарфлашга мажбур.

Масалан «қалин пули»ни олайлик. Бу пулдан қизга сеп учун мебель, куёвга костюм-шим олинади. Қизнинг сандиғи, идиш-товоғи... Яна қанча кўрпа-тўшак, ёстиқ... Ҳозирда қизга сеп учун бир эмас иккита гилам бериш русум бўлаяпти.

Агарда ҳисобласангиз «қалин пули» сепнинг ярмига ҳам етмайди.

Бир йил ўтибми, худо насиб қилиб, фарзанд туғилса қизингизникига «Бешик тўйи» учун тўкилиб-сочилиб боришингизни айтинг. Бир кўчқор, бешик безатиш яна каттагина тўйнинг бор сарф-харжи бўйнингизда.

Ўйлаб кўрилса, кераксиз удумлар туфайли ҳар икки томон ҳам қарз ботқоғига ботади.

Шу маънода матбуотда тўйлар ҳақида тез-тез мақолалар, мулоҳаза ва таклифлар эълон қилинса, яхши бўлар эди. Яна бир гап, эл ўртасида обрўли бўлган инсонлар камчиқим тўйлар ўтказиб, маҳалладошларига ўрнак бўлсалар.

Эломон ХУДОЙБЕРГАНОВ, Боғот туман, «Кораянтоқ» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Илгарилари никоҳ тўйлари кун ботиши арафасида бошланиб, баъзида ярим кечагача давом қиларди. Бу тўй эгасига, хизматдагиларга ортиқча ташвиш эди.

Уч йил олдин маҳалламизда бўлган шундай тўйлардан бириданги тўполонда бир йигит оғир жароҳатланиб, ҳаётдан кўз юмди.

Бу кўнгилсизлик маҳалладошларимиз учун сабоқ бўлди. Шундан сўнг қатъий қарорга келдик. Никоҳ тўйлари фақат кундуз кунлари ўтказиладиган бўлди. Худога шукурки, эндиликда тартибли ўтаётган тўйларимиздан кўнглимиз тўқ.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган Фармони иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири — капитал қурилишда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичи ҳисобланади.

Капитал қурилишдаги ислоҳотлар амалда суст ва яримёрти амалга оширилаётгани мана шундай кенг миқёсли ҳужжатни қабул қилиш заруратини тақозо этди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишланган мажлисида капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи қаттиқ танқид қилинган эди. Қурилиш ташкилотлари ҳамон эскича услубда ишлаб, бозор шарт-шароитлари ва талабларига секинлик билан мослашиб бораётгани таъкидлаб ўтилган эди. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий элементи — лойиҳа ва пудрат ишлари бозори вужудга келтирилган эмас. Қурилиш ишларига буюртмаларни жойлаштиришга оид тендер савдолари юзаки ўтказилади — савдоларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва рўй-рост кўрсатилиши таъминланмаяпти.

Капитал қурилишни ислоҳ қилиш борасида илгари қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўла куч билан ишламаяпти. Бу ҳужжатларда буюртмачи ва пудратчи нималар учун аниқ жавоб бериши, қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг бажарилмагани учун улар қандай жавобгар бўлишлари қатъий акс эттирилмаган. Лойиҳа ва қурилиш ишларининг қиймати юқорилиги ҳамда сифатининг пастлиги жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ўтказилган текширишлар чоғида қурилиш маҳсулотига нарх белгилаш тизимида қўпол бузилишлар, смета баҳоларини, қурилиш материаллари қийматини, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини сунъий равишда ошириш ҳоллари аниқланди.

Қабул қилинган Фармон қоидалари капитал қурилишда мавжуд бўлган ана шу камчиликларни тугатишга қаратилгандир.

Фармоннинг амалий аҳамияти нимадан иборат?

Энг аввало, 2003-2004 йилларда лойиҳа ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини тўлиқ тугаллаш вазифаси қўйилган. Уларнинг негизида, қоида тариқасида, хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этилиб, шу асосда лойиҳа ва қурилиш ишларининг амалдаги бозори вужудга келтирилади.

Ишларни бажариш ва иншоотларни тўлиқ қуриб битказиб топшириш биринчи навбатда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан ва Ҳукумат кафолати билан жалб этиладиган инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган қурилишларни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида эътироф этилди. Айни чоғда буюртмачи билан бош пудратчининг масъулияти, тўлиқ битказиладиган ишларни молиялаш ва кредитлаш механизми аниқ белгиланган. Мана шу чоратадбирларнинг ҳаммаси инвестиция жараёни барча қатнашчиларини қурилишнинг пировард натижаларига эришишга, унинг қийматини пасайтиришга, иншоотларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга, тугалланмаган қурилиш ҳажмларини кескин камайтиришга йўналтириши лозим.

Қурилишда танлов (тендер) савдолари ўтказишни ташкил қилиш бутун тизимини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш вазифаси қўйилади. Хусусан, зарур айланма маблағларга ёки банкнинг тегишли кафиллигига эга бўлган пудрат ташкилотларигина танловда иштирок этишга қўйиладилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига банклар билан бирга пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини кўпайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Фармонда буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги, бош пудратчи, субпудратчи, лойиҳа ташкилотлари ҳамда қурилиш материаллари ва конструкциялари етказиб берувчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларни янада мустаҳкамлашга, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий жавобгарлик чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга муносабатлар тизимида буюртмачи номидан иш кўрувчи оралиқ бўғинларнинг, воситачи тузилмаларнинг иштирокига барҳам бериш кўзда тутилади. Чунки улар қурилиш материаллари ва ишлари қийматининг сунъий равишда қимматлашувига олиб келадилар.

Капитал қурилишда нарх белгилашнинг замонавий бозор усулларини кенг қўллашни ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чоғида жорий шартномавий нархларга босқичма-босқич ўтиш Фармоннинг муҳим бўлими ҳисобланади.

Республиканинг Инвестиция дастури сифат жиҳатдан янгича ёндошувлар билан шакллантирилади. Бу дастурни уч йиллик даврга мўлжаллаб ишлаб чиқиш назарда тутилмоқдаки, у лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб иншоотни фойдаланишга топширгунга қадар бўлган бутун циклни эътиборга олиш, қурилишни унинг реал молиялаш манбалари билан тўлиқроқ боғлаш имкониятини яратади, бу эса инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифатли бажарилиши, меъморий безашга, қурилиш меъёрлари, қоида ва стандартларига риоя этилиши, иншоотлар ўз вақтида ишга туширилиши ҳамда лойиҳа ва қурилиш ишлари қийматининг сунъий равишда оширилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш устидан назоратни кучайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ваколатлари ҳамда масъулиятини ошириш кўзда тутилади. Хусусан, лойиҳалаш ва қурилиш бўйича сифат ҳамда белгиланган талабларни бузганлик учун жарима солиш ва бошқа жазо чораларини қўллаш бўйича Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳуқуқларини кенгайтириш мўлжалланади.

Фармонда юқори сифатли рақобатбардош маҳаллий қурилиш материаллари ва конструкциялари турларини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар ва уларнинг бутловчи буюмларини олиб келиш чоғида божхона тўловлари бўйича беш йил муддатга имтиёзлар берилган.

Мазкур Фармоннинг қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч сўзсиз, капитал қурилишда туб ўзгартиришларни амалга ошириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этишга имкон беради.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ОЛДИДАН

● **ЎзХДП Боёвут туман кенгаши** ва «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида тумандаги 50 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийларининг Тошкент шаҳрига зиёрат сафари ташкил қилинди. Нуронийлар пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини, жумладан, Хотира, Шаҳидлар хотираси хиёбонлари, бир қатор музейлар ҳамда масжидларга ташриф буюриб, зиёрат қилдилар.

● Олий Мажлис депутати Тоҳир Бахроновнинг ташаббуси билан бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларини Бухоронинг муқаддас қадамжоларига зиёрати ташкил қилинди.

● **Ховос туман партия кенгаши** ҳам Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган хайрия тадбирини ўтказди. Бир гуруҳ партия аъзолари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва уйда ётган кекса беморлар аҳволидан хабар олишди. Улар бир пиёла чой устида нуронийлар билан суҳбатлашиб, улардан ҳол-аҳвол сўрашди ва фахрийларнинг дуосини олдилар.

● **Чортоқ туман партия кенгаши** турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, партиянинг обрў ва нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган марҳум партиядошларни хотирлаб, жойларда турли тадбирларни уюштирди.

● **Наманган шаҳар, Наманган, Уйчи туманлари партия кенгашлари** ҳамда **Урганч тумани** Қоровул қишлоғидаги «Олтинкўл» маҳалласи ва **Қўшкўпир тумани** 2-сон маҳалла, **Вобкент тумани** Қозоқ Раззоқов номли маҳалла ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида ҳам ушбу санага бағишланган қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, жойларда тадбирлар ўтказилиб, нуроний отахон ва онахонлар бир пиёла чойга таклиф қилиндилар.

ПАРЛАМЕНТ XI СЕССИЯСИ ҲУЖЖАТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

● Шу кунларда жойларда Олий Мажлис XI сессияси ҳужжатларини ва мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг «Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўлидир» номли маърузасининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, **Қашқадарё вилоят партия кенгаши** сессия ҳужжатларини ўрганишни ташкил қилишга бағишланган тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг вазифаларини белгилаб берди.

● Партиядан сайланган Олий Мажлис депутати, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи Олим Муродов аҳоли вакиллари билан учрашиб, сессияда кўрилган масалалар, парламент ислоҳоти истиқболлари ҳақида батафсил гапириб берди.

● ХДПдан Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига сайланган депутат Ислом Аслонов сайловчилар билан учрашиб, ўз депутатлик фаолияти тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, ушбу тадбирда ХДП **Жиззах туман** кенгаши етакчиси Баҳодир Исматов парламентнинг XI сессияси якунлари, партиямиз ташкилотлари фаолияти тўғрисида сўзга чиқди.

● **Ғузор туман**даги Собир Раҳимов номли маҳалла ҳудудий бошланғич партия ташкилотида сессия ҳужжатларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш масаласига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши биринчи котиби Р.Холманова икки палатали парламент тизимининг аҳамияти тўғрисида чиқиш қилди.

ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

● **Боёвут тумани** ҳокимлиги, туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими, прокуратураси, ХДП кенгаши ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар ярмаркаси» ўтказилди. Унда тумандаги 47 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринларини таклиф қилдилар. Иш қидирувчи сифатида мурожаат қилган 106 нафар фуқаролардан 41 таси ишга жойлаштирилди, 42 киши касб тайёргарлигига қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборилди. 10 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилинди, 13 кишига амалдаги меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

● ТАФСИЛОТ

Ироқнинг бугуни эртаси

XORIJDA

Олиб чиқиб кетилган

Американинг The New York Times нашри хабарига кўра, уруш бошланишидан бир кун олдин Саддам Ҳусайн буйруғи билан банкдан жуда катта миқдордаги пул олиб чиқиб кетилган.

Гап шундаки, 18 мартга ўтар кечаси, яъни соат тунги 4 да Бағдоддаги Ироқ марказий банкига Саддам Ҳусайннинг кенжа ўғли Қусай ва Саддамнинг энг яқин ёрдамчиси Обид ал-Ҳамид Маҳмуд бир қанча юқори лавозимли амалдорлар — марказий банк директори, молия вазири, давлат ғазначиси билан бирга келишади ва Саддам Ҳусайннинг ёзма буйруғини кўрсатиб, 900 миллион АҚШ доллари, 100 миллионга яқин евро олиб чиқиб кетишади.

«Биз уларнинг буйруғини муҳокама қилиш у ёқда турсин, сўзсиз бажаришимиз керак эди» деди банк вакилларидан бири.

Дарҳақиқат, неча йиллардан бери мамлакатни бошқарган диктаторнинг буйруғини муҳокама қилишга ҳеч ким ботинолмасди.

Ўмарилган пуллар шунчалар кўп эдики, улар учта трактор прицепига жо бўлди. Уни деярли 4 соат юклашди ва банкда иш вақти бошланмасдан кўздан ғойиб бўлишган.

Америка разведкасининг фикрича, бу пуллар Сурияга олиб ўтиб кетилган.

Янги пул муомалага киритилади

Яқин кунларда янги пул муомалага киритилиши ҳақида Ироқда чоп этиладиган «Ал-Ҳақиқа» газетаси марказий банк берган манбаларга таяниб хабар тарқатди.

Муомалага киритилаётган мазкур янги пулнинг 1 динори эски 1000 динорга тенглаштирилган. Эски динорлардаги Саддам Ҳусайн сурати ўрнига янги пулда қадимий Вавилон подшоларидан бири — Хамуралининг тасвири туширилган.

Уч ой муҳлат ичида эски пул янгилари билан алмаштирилади.

Илк ўз-ўзини бошқарув органи

Мосул шаҳрида ўз-ўзини бошқарув органи — муваққат шаҳар кенгаши учун сайлов бўлиб ўтди. Унда турли этник гуруҳлардан 250 нафар делегат иштирок этди. 24 киши шаҳар кенгашига аъзо қилиб сайланди. Кенгаш эса шаҳар мэри этиб собиқ генерал (акаси Саддам Ҳусайн буйруғи билан қатл этилган) Ганам ал-Бассани сайлади, дейилади Reuters ахборотида.


Аэропортлар қайта қурилади

Американинг SkyLink Air and Logistic Support Inc компанияси Бағдод, Басра ва Мосулдаги уч халқаро аэропортни қайта тиклаш ҳуқуқини қўлга киритганлигини Associated Press агентлиги маълум қилди.

Бунинг учун ишнинг бошида компанияга Американинг Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) томонидан 2,5 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилади, сўнг 18 ой давомида қолган маблағ, яъни 10,2 миллион доллар тўланади.

Қисқаси, аэропортлар фойдаланишга тахт ҳолда тузилажак муваққат ҳукумат қўлига топширилади.

Kitty Hawk ортга қайтди



Американинг Kitty Hawk авианосеци Форс кўрфазини тарк этди ва ўзининг аввалги базаси — Япониядаги Yokosuka базасига қайтди. Авианосец билан бирга Cowpens ракета крейсери ва John S.McCain ракета эсминеци ҳам кўрфазни тарк этди.

Улар Япониядаги ўз базаларидан шу йил 20 январда чиқиб кетган эдилар.

Yokosuka ҳарбий базасида АҚШ ҳарбий денгиз флотининг 5 та кемаси жанговар навбатчиликда туради.

Аёллардан биринчи вазир

Арабистоннинг «Алефия» электрон газетаси хабар беришича, Қатар тарихида биринчи бор аёл киши вазир лавозимини эгаллади. Эндиликда мамлакатнинг Маориф ва таълим вазирлигини 40 ёшли Аҳмад ал-Маҳмуд бошқаради. Шундай қилиб 1971 йили мустақилликка эришган Қатар Форс кўрфази бўйича аёл вазири бор (Уммон Султонлигидан кейин) иккинчи давлатдир.

Маълумки, шу йил 29 апрелда амирликнинг янги Конституцияси лойиҳаси бўйича умумхалқ референдуми ўтказилган эди. Унда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги жорий этилган. Шунга кўра, аёллар ҳам масъул лавозимларни эгалламоқдалар.

Хусусийлаштириш давом этмоқда

Ўтган йили Монголия парламенти қабул қилган янги қонунга кўра, мамлакатда яшовчи ҳар бир одам (Монголия фуқароси бўлиши шарт) ўз ерига эга бўлиши мумкин. Мазкур қонундан келиб чиқиб, шу йил 1 майдан ерларни хусусийлаштириш бошланди ва бу жараён бугунги кунда қизғин давом этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, шаҳарда яшовчи оилаларга 0,07, қишлоқ жойларида яшовчиларга эса 0,35 дан 0,5 гектаргача ер текинга берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда 550 мингдан ортиқ оила мавжуд (аҳоли 2 миллион 442,5 минг киши). Агар уларнинг барчаси қонунда кўзда тутилган ерларни хусусийлаштирган тақдирдаям, бу кўрсаткич мамлакат умумий майдонининг 0,9 фоизини ташкил этади.

Шундай қилиб, Монголияда хусусий ер эгалари пайдо бўлмоқда.

Йўллар равон бўлади

Жиззах вилояти йўлсозлари йил давомида 2 минг 540 километрли йўл қуряпти. Шунинг 170 километри халқаро аҳамиятга молик бўлган йўллардир. Бундай хайрли ишларни бажариш учун «Жиззахавтойўл» акциядорлик бирлашмаси ўнта МАЗ русумли юк машинаси, иккита бульдозер, учта экскаватор сотиб олди.

Албатта, қайси соҳада бўлмасин, режада белгиланган ишларнинг тўлиқ бажарилиши аввало, моддий таъминотга боғлиқ. Вилоятда ягона йўл фондига маблағ тўплашда яхши натижаларга эришилгани режадаги таъмирлаш, қурилиш ишларини ўз вақтида амалга ошириш имконини бермоқда. Ўтган йили йўл жамғармасига вилоятдаги корхона ва ташкилотлар 1 миллиард 378 минг сўм маблағ ажратди.

Йўлсозлар вилоят худудидан ўтган халқаро йўлни, Арнасой тумани худудидаги ўттиз километрли ички йўлларни таъмирлаш ишларини бошлаб юборди.

Абдуғани СОДИҚОВ

«Дон-нон» очиқ акциядорлик жамияти

афилланган шахсларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда қўйидаги тузилган рўйхатларини эълон қилади:

	Овоз берувчи акциялар сони	Низом фондидаги % ҳисобида улуш
Нуралиев Т.Н.	461	3,54 %
Жабборов М.	30	0,23 %
Ким Л.М.	—	—
Ашурбекова. Ҳ.	50	0,38 %
Усмонова М.	50	0,38%
Азизова Г.	10	0,07%
Сармонов Ғ. (давлат улуши)	3250	25%
Турдиев Ф.	334	2,57 %
Аҳмедов Э.	1217	9,38 %
Шомирзаева. Я.	3760	29 %

«Дон-нон» ОАЖ Кузатув Кенгаши

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Андижонтелеком» филиали жамоаси

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан буюк аждодларимиз руҳини ёд этади.



Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш, демакдир. Инсонийликни ушлаб турган таянч устунларидан бири — Хотира.

Яшнайверсин, жаннатдек гуллаб,
Бу муқаддас ўзбекнинг юрти.
Сизни бугун келиб, хотирлаб,
Таъзим қилиб йиғилибди эл!

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ


9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан аждодлар руҳини ёд этади

Мустақил Ўзбекистон осмони ҳамиша беғубор ва мусаффо бўлсин.

Ҳар бир хонадонга осойишталик ва фаровонлик тилаймиз.

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

«Наманган-экстрактёғ» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



Жангоҳларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртимиз марду майдон ўғлонларининг сўнмас жасоратини, азиз номларини Хотира ва Қадрлаш кунида ёд этиб, чуқур таъзим бажо айлайди.

Хотира – ўтмиш ва келажак ўртасидаги мустаҳкам кўприк. Уни ёв ишғол қилолмайди. У ўтда куймайди, сувда чўкмайди. Бас шундай экан, буюк аждодларимизнинг порлоқ хотираси бундан буён ҳам дилимиздан ўчмайди.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 422
11547 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

СПОРТ

Виктор Жалилов истеъфога чиқарилди

2004 йил Афинада ўтадиган Ёзги олимпия ўйинларининг саралаш босқичи дастлабки учрашувида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси эронлик футболчиларга ютқазиб (1:3) қўйгандан хабарингиз бор. Куни кеча ЎФФда мамлакат олимпия терма жамоаси тақдири билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.




Унга кўра, икки йилдан буён Ўзбекистон олимпия терма жамоаси билан ишлаган бош мураббий Виктор Жалилов ўз лавозимидан озод этилди. ЎФФ қарорига мувофиқ шу йил 7 июнда Теҳронда ўтадиган саралаш босқичининг жавоб учрашувида Виктор Борисов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Мутахассислар ёшлар терма жамоасининг олимпиячилар уддалай олмаган ишни Теҳронда амалга оширишларига ишонч билдиришмоқда. ЎФФ мусобақалар ўтказиш бўлими бошлиғи Алишер Никимбоевнинг фикрича, жаҳон чемпионатининг финалида ёшларимизни Эрон олимпия терма жамоасидан-да кучлироқ бўлган Испания, Аргентина, Мали футболчилари кутиб туришибди. Эронлик футболчилар билан ўтадиган бу учрашув ёшларимиз учун ана шу нуфузли мусобақалар олдидан муҳим синов вазифасини ҳам ўтайди.

ИНТЕР-СПОРТ


Хотинининг айтгани бўлармикин?



«Манчестер Юнайтед» (Англия) жамоасининг таниқли ўйинчиси Бэкхем Испаниянинг «Реал» клубига ўтармиш, деган гаплар авжга чиққан бир пайтда яна бир қизиқ воқеа юз берди. Мухлислар Дэвид билан унинг рафиқаси Виктория Адамс Мадридда сайр қилиб юришганини кўриб ҳайратга тушдилар. Қизиғи шундаки, ишқибозларнинг футболчини «Реал»га ўтиш-ўтмаслиги ҳақидаги саволларга Бэкхем лом-мим демаган. Испаниянинг «Марка» газетаси хабарига қараганда, эр-хотиннинг Мадридда юриши ўзига хос найранг экан. Чунки, бу юрганлар Бэкхем билан унинг рафиқасига ўхшаш кишилар бўлиб, мухлисларни чалғитишга уринишган. Тўғироғи, Энди Хармер билан Камила Шэдболт деган артистлар футболчи билан унинг хотинига жуда ўхшаб кетишларидан фойдаланган Лондоннинг «Ивнинг стандард» газетаси Испанияда ана шундай «томоша» кўрсатишга журъат қилибди. Мухлислар эса Дэвиднинг «Реал»га ўтишига ишонмоқдалар. Боиси, бу жамоага Портильо, Роналдо, Зидан, Фигуларнинг келишлари ҳам ана шундай гап-сўзлардан кейин амалга ошган. Энг қизиғи, Дэвиднинг бундай гап-сўзларга қолишига унинг хотини сабаб бўлган экан. У телефон орқали сўзлашаётганда: «Дэвид келаси йили албатта Мадридда тўп суради. Май ойидан бошлаб биз Испанияда ўзимиз учун манзил топишга ҳаракат қиламиз», деганини эшитганлар бор. Хўш, Дэвид энди нима қиларкин?

Шумахернинг кетма-кет ғалабаси

Беш карра жаҳон чемпиони Михаэль Шумахер «Формула-1» жаҳон чемпионатининг кетма-кет ғолиби бўлди. У Сан-Маринода ўтказилган Гран-при баҳсидан кейин Барселонада ҳам биринчи бўлди. Ғолиб пойгачи мусобақа бошидаёқ 10 дақиқага илдамлаб олиб, маррага биринчи бўлиб келди. Иккинчи ўрин испаниялик Фернандо Алонсога насиб этди. Учинчи ўринни Рубенс Барикелло (Италия) эгаллади.



Ҳикматли сўзлар маъноси

Дили тўғрининг — йўли тўғри

Ота-боболар бир туркум мақолларда кишини юксак аҳлоқ ва одоб эгаси, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субутли бўлишга даъват этганлар. Юқоридаги мақол шундай мақоллардан биридир. «Дили тўғрининг тили тўғри, Тили тўғрининг йўли тўғри»; «Дили поқнинг — йўли поқ»; «Соф кўнгил — сўлимас гул»; «Оқ кўнгиллининг — юзи кўркам»; «Тўнинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин» (Бу билан «Камбағалликнинг айби йўқ, аммо ичи қоралик ёмон» дейилмоқчи); «Уйи бузуқ ўнғалур, Ўйи бузуқ ўнғалмас»; «Уйингни чиройли қилгунча, Ўйингни чиройли қил».

Домланинг айтганини қил, қилганини қилма

Халқ бу мақолни кишиларга насиҳат тарзида эмас, балки «ундай қилиш — гуноҳ, бундай қилиш — гуноҳ» деб ташвиқот юргизиб, ўзлари эса бунга тамоман зид хатти-ҳаракатлар қиладиган дин намояндаларига нисбатан киноя тарзида қўллаган. Ҳозир бировга ақл ўргатишни яхши кўрадиган, амалда ўз сўзларига ўзи риоя қилмайдиган кишиларга нисбатан мажозий маънода қўлланадиган бўлиб кетган. Вар.: «Мулланинг қилганини қилма, айтганини қил»; «Мулла бўл, хўжа бўл, ўз илмингга амал қил!»

Информация о проведении общего собрания акционеров

Наименование общества: АООТ «КРР-САЗ»
Местонахождение: 700044 г. Ташкент, ул. 3-й Венгерский проезд, дом №2.
Дата: 30 мая 2003 года. Начало в 15.00. Начало регистрации в 14.00.

Место проведения общего собрания: г. Ташкент, ул. 3-й Венгерский проезд, дом №2.
Дата закрытия реестра акционеров 30 апреля 2003 года

Бухгалтерский баланс по состоянию на 1 января 2003 г.

		сальдо (т.с)	
№	Наименование статей	Актив	Пассив
1	Основные средства за вычетом износа	22392	
2	Нематериальные активы	-	
3	Производственные запасы	7970	
4	Дебиторская задолженность	22794	
5	Уставной капитал		11135
6	Резервный капитал		21947
7	Целевые поступления и фонды		1006
8	Нераспределенная прибыль		13,8
9	Кредиторская задолженность		68473
	БАЛАНС	81219	81219
	Прибыль отчетного периода		13,8

Аудиторская проверка проведена аудиторской фирмой «GNK Осиё-аудит» (Лицензия Министерства финансов Республики Узбекистана от 12.08.2002 г. №00468)

«Сирдарё балиқ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2002 молиявий ва хўжалик йил якунлари бўйича жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартиби:

1. Жамият Устав фонди миқдорини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли Фармони талаблари даражасига келтириш ёки бошқа мулк шаклига ўтиш бўйича қарор қабул қилиш.
2. Жамият таъсис ҳужжатларига керакли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
3. Кузатув Кенгаши фаолияти ҳисоботини эшитиш.
4. Кузатув Кенгаши аъзолари таркибини қайта сайлаш.
5. Аудитор хулосасини тасдиқлаш ва 2003 йил учун аудитор сайлаш.
6. Жамият Тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш.
7. Ижро органининг 2002 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.
8. Ижро органининг таркибини сайлаш (директор, бош ҳисобчи ва балиқ бўйича мутахассис).
9. 2003 молиявий-хўжалик йили учун тузилган (директор томонидан) Бизнес-режани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
10. Бошқа турли масалалар.

Йиғилиш 2003 йил 26 май куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, қуйи савдо растасида жойлашган «Пфафф-Зингер» савдо уйи биносида ўтказилади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 1992 йилда Абдураҳмонов Абдусаттор номига берилган ШВ-622855 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Фарзандлари, қариндош-уруғлари ва дўстлари **Хурсаной Гофуровна Рашидова**нинг 84 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

Шу мусибатли дамларда бу оғир йўқотишни биз билан баҳам кўрганларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоси С.Ш.Рашидовага волидаи муҳтарамаси
Хурсанд ая РАШИДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.